

## Малайзиянинг UCSI университети билан халқаро ҳамкорлик ривожлантирилади

Институтнинг халқаро ҳамкорлик географиясини кенгайтириш мақсадида Малайзиянинг UCSI университети билан музокаралар олиб борилди. Учрашувда Ўзбекистоннинг Малайзиядаги элчихонаси ходими Элбек, UCSI университетининг Халқаро рейтинг ва ички аудит бўлими бошлиғи Nur Zahdi Bin Mohd Nor Aldin, Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи Chan Joe Jim, Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи ўринбосари Roland Chan, Халқаро ҳамкорлик бўлими ходими Rashidova Kamilla ҳамда институт номидан Халқаро ҳамкорлик проректори А.Салоҳиддинов, Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи Ш.Рахмонов, Менежмент кафедра мудири М.Ли, Бухоро филиали Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи Қ.Сабиров иштирок этишиди.



Учрашувни элчихона ходими Элбек учрашув иштирокчиларни таништириш билан бошлади. UCSI университети ўзининг тақдимоти билан бошлади. Тақдимотда университетнинг 1986 йилда ташкил топиши, турли шаҳарларда жойлашган кампуслари, эришган ютуқлари ва профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалари ҳақида маълумот берилди. Сўнгра институтимиз ҳақида батафсил ёритилган видеоролик кўрсатиб ўтилди. Учрашувда ҳар икки томоннинг муштарак манфаати учун сув ресурсларини бошқариш, экология, менежмент каби йўналишлар белгилаб олинди. Учрашувда натижаси ўлароқ икки томонлама англашинув меморандум имзоланишига келишиб олинди.

**Маълумот учун:** UCSI университети QS да 391 ўринни қайд қилган. UCSI университети - Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳридаги кенг қамровли университет ҳисобланади. UCSI университети тиббиёт, фармацевтика, муҳандислик, АТ, амалий фанлар, бизнес, архитектура, мусиқа, ижтимоий фанлар, ижодий санъат ва меҳмондўстликни ўз ичига олган бакалавриат, магистратура ва докторантурда даражасида турли ихтисосликларни таклиф этади.

**ТИҚҲММИ матбуот хизмати**